



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

Таштемиров Анвар Алиқулович
ИИБ Академияси катта ўқитувчиси
Курчибоев Жасурбек Тўлқинжон ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
3-ўқув курси, 314-гуруҳ курсанти

Аннотация. *Мақолада, вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ва унинг профилактикаси бўйича чора тадбирларни амалга оширишда ИИОлари ходимларининг асосий вазифалари ҳамда ушбу вазифлар ижроси юзасидан ҳамкорлик масалалари ёритилган.*

Калит сўзлар. *Ҳуқуқбузарлик, жиноят, вояга етмаган шахс, таълим, тарбия, қонунчилик, инсон шаъни ва қадри, одоб-ахлоқ нормалари.*

Республикамизда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда давлат органларининг ўзаро, шунингдек таълим ва тарбия муассасалари билан самарали амалга ошириладиган ҳамкорлик жараёни жиноятчиликни олдини олишнинг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Албатта, ушбу жараёнда, яъни жиноятчиликка қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни таъминловчи механизм тўғри шаклланган бўлиши лозим. Бу эса алоҳида норматив ҳужжатлар ва уларнинг нормалари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 март кунидаги ПФ-6196-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва 2021 йил 2 апрель кунидаги ПҚ-5050-сон “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-29-сон, 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сон Фармонлари ва 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сон қарорининг қабул қилиниши натижасида ҳар бир маҳаллада туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси



лавозимлари жорий этилиб, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ҳолатни хонадонбай ўрганиш, аҳолининг, айниқса, аёллар ва ёшларнинг бандлик даражасини таҳлил қилиш асосида мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни биргаликда бартараф этиш, маҳаллаларда “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”ни шакллантириш орқали жиноятларнинг барвақт олдини олиш бўйича ҳамкорликдаги фаолияти йўлга қўйилди[1].

Жумладан “Ёшлар дафтари”га киритилган 6 731 нафарни ташкил қилиб, ушбу ёшларнинг амалда 6 371 нафари (94,7 %)га турли йўналишларда ёрдамлар кўрсатилиб дафтар рўйхатидан чиқарилди. Ҳозирги кунда “Ёшлар дафтари”да 360 нафарни ташкил қилмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатилган ёшлар:

- 408 нафарининг тўлов-контракт тўлови, 2 нафарига турар-жой ижараси, 51 нафарининг истеъдодини қўллаб-қувватлаш, 7 нафарга тиббий хизмат кўрсатиш, 61 нафарига сафарбарлик чақируви резервининг тўловлари тўлаб берилди ва 41 нафар ёшлар яқка тартибда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказиш орқали бандлиги таъминланди;

- 113 нафари ёшларга бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатилди.

Муҳтарам Президентимиз бежизга: “Маҳалла халқ билан давлат ўртасидаги кўприк бўлиши керак. Одамларнинг қувончу ташвишидан доимо хабардор бўлиш маҳалланинг асосий вазифасидир” [2], дея таъкидлаб ўтмаганлар.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхатини шакллантириш мақсадида “Темир дафтар” тузилган эди. Бу борадаги ишларни янада тизимлаштириш учун туман, шаҳар ва вилоятлар кесимида “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган ҳар бир фуқаро билан “Фуқаробай” ишланса, ўз-ўзидан моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш анча мақсадли амалга ошади.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ҳамкорлик фаолияти – бу ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ходимларининг ўзаро, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи давлат органлари билан ҳамда бошқа давлат органлари ва жамоат тузилмалари билан вояга етмаганлар жиноятчилигининг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишга қаратилган усул ва воситаларга эга қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар йиғиндисилр.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ҳамкорлиги икки турга бўлинади – ички ва ташқи ҳамкорлик.

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикасини ташкил этишда ички ишлар органларининг ички ҳамкорлиги – деб ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ходимларининг ўзаро вояга етмаганлар жиноятчилигининг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини ташкил



этиш ва амалга оширишга қаратилган, муайян вақт ва жойда олиб бориладиган, ўз усул, куч ва воситаларига эга, Ички шлар вазирлигининг буйруғи билан тартибга солинадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар йиғиндисига айтилади.

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикасини ташкил этишда ички ишлар органларининг ташқи ҳамкорлиги – деб ушбу ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи давлат органлари, бошқа давлат органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг биргаликдаги вояга етмаганлар жиноятчилигининг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишга қаратилган, муайян вақт ва жойда олиб бориладиган, ўзига хос усул ва воситаларга эга ҳамда қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар йиғиндисига айтилади. (мисол учун, Ички ишлар органларининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари”, “Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси” “Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссия”, Васийлик ва ҳомийлик органлари, Ёшлар агентлиги” ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлиги).

Бу борада, Ички ишлар органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади ҳамда аниқланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни, шу жумладан электрон шаклдаги ахборотларни алмашишни, шунингдек бошқа турли ахборотларни алмашишни амалга оширади.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда, жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларни фош этишда, жиноят ишларини тергов қилишда, жиноятчиларни қидиришда, бедарак йўқолганларнинг турган жойини аниқлашда, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ички ишлар органларига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шарт.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг профилактикасини ташкил этишда ички ишлар органларнинг ички ҳамкорликни самарали ташкил этиш кўп жиҳатдан ички ишлар органларининг соҳавий хизмат ходимларининг ўзларига боғлиқ. Лекин жиноятларнинг профилактикасини ташкил этишда ички ишлар органларнинг ташқи ҳамкорлигини самарали ташкил этиш профилактикани бевосита амалга оширувчи барча давлат органларининг фаолиятига боғлиқ. Қолаверса вояга етмаганлар жиноятчилигининг профилактикасини ташкил



этишда комплекс ёндашув принциpidан келиб чиқиб ҳамкорликни йўлга қўйиш профилактикани бевосита амалга оширувчи

Ҳамкорликни шартли равишда иккига: ўзаро ахборот алмашиш ҳамда фаолиятга доир муайян чора-тадбирларни ҳамкорликда режалаштириш, амалга ошириш, натижаларини умумлаштириш, муайян вазифаларни ҳал қилишда ўзаро ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашда намоён бўладиган амалий ҳамкорликка ажратиш мумкин.

Ўзаро ахборот алмашиш ҳамкорликнинг энг кўп тарқалган шаклидир. Олимлар ахборот олиш ва унга ишлов беришни ички ишлар органлари фаолиятининг асосий технологияларидан бири дея таъкидлайдилар.

Ички ишлар органлари оммавий ахборот воситаларида ўзларининг чиқишлари, тарғиботлари орқали аҳолига вазиятни тўғри таҳлил этиш ва баҳолаш шахснинг низоли вазиятларни идрок этишига ҳамда зарур ҳолларда тўғри хулоса чиқаришга ёрдам беради. Бу борада телевидение муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки телевиденянинг ҳозирги кунда энг тараққий этган ахборот воситаси эканлигидан тарбия жараёнида фойдаланиш катта аҳамиятга эгаллигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Негаки вояга етмаганларнинг жиноят содир этиши кўп ҳолларда маълум бир сабаблар асосида аста-секин “етилиб” боради ва маълум бир шароит таъсирида ўзининг якуний нуқтасига етади. Оқибатда эса жиноят содир бўлади. Бу ўзига хос қонуниятдир.

Бироқ айнан шу етилиб бориш жараёнида шундай нуқталар мавжудки, унда вазиятни юмшатиш зарурияти юзага келади. Агарда вазиятни юмшатишнинг айбдор ва жабрланувчиларнинг ҳар иккиси ёки бир томонлама амалга ошириш имконияти юзага келмаса, бунда учинчи шахснинг иштироки ва зиддиятни ҳал қилишда учинчи бир томон ижобий таъсир этиши лозим. Лекин шу учинчи шахс сифатида давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг режа асосида илмий асосланган таъсир чораларининг қўлланиши – профилактика ишларининг самарасини оширишда алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳеч шубҳа йўқки вояга етмаганлар жиноятчилигини жамоатчилик асосида бартараф этиш мумкинлигини тарихан исботланган дейишга тўлиқ асослар мавжуд. Шу билан бирга оилавий низолар ва меҳнат жамоаларидаги ҳар қандай низоли вазиятлар биринчи галда кўни-қўшнилари ҳамда меҳнат жамоаларига аён бўлади. Демак, шу вазиятларда кенг жамоатчилик фаолиятини жиноятлар ва ҳар қандай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтириш катта аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон халқининг асрлар давомида шаклланиб келган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимига таяниш ва кўриб чиқиладиган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда фойдаланиш мумкин.

Нафақат бу мақсадда, балки бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳам маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими ёрдамидан унумли фойдаланиш лозим. Ҳозирги кунда, Ўзбекистонда давлат бошқарувини ташкил этиш ишларида кенг жамоатчиликни жалб этишнинг маҳалла қўмиталари орқали амалга



оширилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳалла кўмиталари фаолиятини ташкил этишнинг яна бир муҳим жиҳати улар фаолиятининг шаҳар ва қишлоқларда бирдек самарали ташкил этишдан иборат.

Энг муҳими, аҳолининг турли қатламларига мансуб шахсларни яшаш жойи асосида аниқлаш ва улар билан зарур ижтимоий-тарбиявий ишларни юритиш имконияти маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали самарали амалга оширилади. Бир сўз билан айтганда вояга етмаганлар, аёллар, оила ва турмуш муаммоларини ҳал этиш имконияти фуқароларнинг яшаш жойларида амалга оширилиши зарур.

Ички ишлар органлари бошқа давлат органлари билан кенг кўламли ҳамкорлик ҳозирги кунда муайян ҳуқуқий асосларига ега. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, юридик кучига кўра, қонунлар ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ажратиш мумкин.

Ўтган йиллар ичида Асосий қонунимизга таяниб, республикамиз ички ишлар органлари тизимида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди.

Ҳозирги кунда ички ишлар органларининг шу билан бирга профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш ва жинойтчиликка қарши кураш фаолиятини белгилаб берувчи ва тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва уларнинг юридик кучи, уларни қабул қилувчи субъектлар ҳамда уларнинг ваколат доирасига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- а) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари;
- б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;
- в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- г) Ички ишлар вазирлигининг идоравий, шунингдек бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда қабул қилган идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;
- е) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қарорлари.

Конституциянинг 146-моддасида Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкинлиги кафолатлангани милиция таянч пунктлари негизида ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини ташкил қилишга асос яратиб берган бўлса, 72-моддасида, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашишига, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмаслиги ушбу ҳамкорликнинг аниқ чегарасини белгилаб беради.

Шунингдек, Конституциянинг 78-моддасида, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг



жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир, деб белгилаб қўйилган. Бугунги кунда ички ишлар органлари суд, прокуратура, давлат хафсизлиги хизмати, адлия, бандлик ва меҳнат муносабатлари, таълим, сақлаш, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, миллий гвардия, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан жамоат тартибини сақлаш ва хавсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш жараёнида бошқа давлат органлари билан ҳамкорликдаги чора-тадбирларни амалга оширади. Албатта ҳар бир давлат органининг белгиланган вазифалари, мажбуриятлари ва ваколатлари қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгилаб берилган бўлиб, уларнинг фаолият йўналишларидан келиб чиқиб ҳамкорликдаги чора-тадбирлар амалга оширилади, аммо, мақсади бир бўлиб, ҳуқуқбузарликларнинг содир етилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф етиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишдан иборат.

Жумладан, ички ишлар органлари бошқа давлат органлари билан қуйидаги йўналишларда ҳамкорликдаги чора-тадбирларни амалга оширади.

Таълим органлари билан:

- вояга етмаганлар ва ёшларнинг узлуксиз таълим олишларини таъминлаш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш;

- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини таъминлаш;

- вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил етиш;

- умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларда мунтазам равишда сабабсиз ўқишга келмайдиган, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир етишга мойил шунингдек, фанларни ўзлаштириш даражаси паст ўқувчилар билан яқка тартибдаги профилактик ишларни олиб бориш;

- академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг машғулотларга қатнашмасдан, мақсадсиз дайдиб, вақтларини турли кўнгилочар (интернет клуб, кафе ва бошқ.) масканларда ўтказишининг олдини олиш мақсадида “Давомат”, “Ўқувчи” тадбирларини ташкил етиш;

- вояга етмаганларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи, уларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга, жумладан, жиноят содир етишга, спиртли ичимлик ва гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишга, фоҳишалик билан шуғулланишга, тиламчиликка жалб етадиган ота-оналар, уларнинг ўрнини босувчилар ёки бошқа шахсларни аниқлаб, вояга етмаганларни уларнинг таъсиридан асраш, бу тоифа шахсларга нисбатан тегишли қонуний чораларни кўриш;



- вояга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни жисмонан соғлом, иродаси бақувват ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида спорт мусобақаларини ташкил етиш.

Хулоса қилиб айтганда, инсон шахси вояга етгунига қадар шаклланади ва шу жараёнда шахс хулқ-атвори ниҳоятда ўзгарувчан бўлади. Вояга етмаганларда ўзини назорат қилиш етарлича ривожланмаганлиги, бундай ҳодисалар натижасида юзага келадиган “ижтимоий турғунлик” туфайли жамиятга мослашув нуқсонлари ғайри-ижтимоий қилмишлар кўринишида нисбатан осон намоён бўлади, баъзан эса барқарор хулқ-атвор сифатида мустаҳкамланади, вақт ўтган сари тузалиши қийин бўлиб боради.

Албатта, вояга етмаганлар жинойтчилигида вояга етмаганнинг ўзига хос салбий ёки ижобий хислатлари алоҳида ўрин тутади. Вояга етмаганнинг ўзига хос ижобий хислатларини янада ривожлантирилиши ва бу борадаги ишларни вояга етмаганнинг оила аъзолари, яъни ота-онаси, буви-буvasи, ака ва опаси, шунингдек айрим ҳолатларда бошқа қариндош-уруғлари билан келишиб, тизимли равишда амалга оширилиши орқали вояга етмаганлар жинойтчилигининг камайишига эришиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 2023 й. <https://lex.uz/docs/6445145>.

2. Хатамов Р.А. [Кириш](#) сўзи / Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб муаммолари: назария, амалиёт ва қонунчилик таҳлили: Республика илмий-амалий конференция материаллари (2022 йил 31 март) / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Қ.Р. Абдурасулова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. – 478 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон фармони // <https://lex.uz/docs/4740345>.

4. Мирсалихова, Г. А. (2023). Вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар ва уни бартараф этиш йўналишлари. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(22), 116-123.

5. Таштемиров А. А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни фoш этишда тезкор ходимларнинг терговчи ва суриштирувчилар билан ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари // Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 156-164.



6. Таштемиров А. А. Техник криминалистик экспертиза - ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг асосий омили сифатида //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 12-19.

7. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.

8. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигига эришишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 35-40.

9. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

10. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

11. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.

12. Таштемиров А. А. Йулларда ҳаракатланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг аҳамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.

11. Таштемиров А. КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ШАКЛЛАНИШ ДАВРЛАРИ //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. Maxsus son. – С. 133-139.

13. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда айрим процессуал тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. –2022. –Т. 2. –№. 12 Special Issue. –С. 141-146.17.

14. Мирсалихова Г. А. Тезкор қидирув фаолиятини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Илмиймақола//Eurasian journal of law, finance and applied sciences <https://doi.org/10.5281/zenodo>. –Т. 7262974.18.

15. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда эҳтиёт чораларини қўллашнинг аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. –2022. –Т. 2. –№. 13. –С. 160-165.19. 16. Мирсалихова Г. А. Ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар



томонидан содир этиладиган жиноятчиликка қарши курашишнинг тартибга солиниши //So‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. –2023. –Т. 6. –No. 1. –С. 5-15